

## **КИБЕРЖИНОЯТНИНГ ЖАБРЛАНУВЧИСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти*

**ЛАТИБОЕВ ШАХЗОДБЕК ИКРОМ ЎҒЛИ**

*E-mail: [samanchik0833@gmail.com](mailto:samanchik0833@gmail.com)*

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада жуда тез ривожланиб бораётган ахборот технологиялар соҳасидаги вужудга келаётган кибержиноятлар, уларнинг ўзига хос турлари мавжуд ва уларнинг жабрланувчилари ҳам турлиша булиши мумкин. Кибержиноят қурбонига айланиб қолиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар, кибержиноятлар жабрланувчисига айланганлар ва уларнинг тойифалари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Кибержиноятчилик, сабаб ва шарт-шароит, кибержиноят қурбонлари, молиявий фирибганлик

### **ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, ПРИ КОТОРЫХ ВЫ СТАНОВИТЕСЬ ЖЕРТВОЙ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ**

#### **АННОТАЦИЯ**

В этой статье речь пойдет о новых киберпреступниках в сфере информационных технологий, которые развиваются очень быстро, у них есть свои типы, и их жертвы также могут быть сбиты с толку. Более полная информация о причинах стать жертвой киберпреступности и условиях, которые позволили это сделать, о тех, кто стал жертвами киберпреступности, и их супругах будет приведена в нашей статье.

**Ключевые слова.** Киберпреступность, причины и условия, жертвы киберпреступности, финансовое мошенничество

Бугунги кун шиддит билан ривожланиб бораётган дунёда барша сохаларда янгиликлар, ихтиролар, қулайликлар яратилган бир даврда ахборот технологиялар соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Инсоннинг жисмоний меҳнати ўрнига иложи бориша техника эгиллиб бормоқда. Бу ривожланиш билан бир вақтда улардаги ахборот, маълумотлар уларнинг хавфсизлиги ҳимояланиш масаласи ҳам вужудга кела бошлади. Яъни биз электрон қурилмаларидаги сақланадиган ҳар қандай қуринишдаги маълумотларга учинчи шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда аралашуви қузатилди ва бора бу жараёнлар кибержиноятчилик ва уларнинг турлари қупайичига олиб келди. Жамиятнинг ҳар бири бўғини, ёш боладан тортиб ёши катталаргаша техникадан фойдаланади. Ушбу техникага оддий мисол тариқасида инсониятнинг бир бўлагига айланиб ўлгирган телефон аппаратини олишимиз мумкин. Тўғри тан олиш керак, ушбу телефон аппарати жуда қуп ишларни амалга оширса бўлади, аммо охириги пайтларда ушбу техника аппарати кибержиноятчиларнинг асосий қуролига айланиб қолмоқда. Ушбу техникага фуқаролар ўзларига тегишла маълумотларни киритиб фойдаланишмоқда. Ушбу шахсий маълумотлар орқасидан кибержиноятчилар яхчигина фойдаланишмоқда, яъни фуқароларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланган ҳолда телефон аппаратида банк иловалари орқали фуқаролар номидан бир қанча амалларди амалга оширмоқда. Ачинарли томони шундаки, баъзи ҳолларда фуқаролар номига кредит расмийлаштирилиб олинган ҳолатлар ҳам учраб туради. Шу ўринда кибержиноят нима ўзи деган савол тўғилиши мумкин. Ушбу тушунша юзасидан ҳар хил тарифлар бериб ўтилган бўлиб, улардан баъзиларини танишиб ўтамиз.

Кибержиноят – компьютер ва тармоқнинг биргаликдаги алоқаси остида содир этилувчи жиноят тури. Компютер жиноят пайтида мақсадли юналтирилган қурол вазифасини бажариб беради. Кибержиноят кимнингдир хавфсизлиги ва молиявий савиясига зарар етказиш мақсадида қилинади. Махфий маълумотлар қонуний тарзда ҳимояланган ҳолатда юз беривчи кибержиноятлар билан боғлиқ. Қўпгина


жиноятлар мавжуд. Халқаро миқёсда ҳукумат ҳам, нодавлат субъектлар ҳам кибержиноятлар, жумладан, жосуслик, молиявий ўғирлик ва бошқа трансчгаравий жиноятлар билан шуғилланади. Халқаро чегараларни кесиб ўтувчи ва камида битта миллий давлатнинг хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган кибержиноятлар баъзан киберуруш деб аталади. Уоррен Баффет кибержиноятни<sup>1</sup>, “инсониятнинг биринчи рақамли муаммоси деб таърифлайди” ва “инсоният учун реал хавф туғдиради”<sup>2</sup>, дейя қўшимча қилади. 2014 йилда чоп этилган ҳисоботда (McAfee ҳомийлигида) жаҳон иқтисодиётига етказилган йиллик зарар 445 миллиард долларни ташкил қилган<sup>3</sup>. Сйберсесуритй Вентурес томонидан 2016 йилги ҳисоботда кибержиноятлар натижасида етказилган глобал зарарлар 2021 йилга келиб йилига 6 триллион долларгача, 2025 йилга келиб эса 10,5 триллион долларгача кўтарилиши башорат қилинган эди. Ҳозирги кунда кибержиноятларнинг турлари кўп бўлиб, улардан энг оммалашганларини ва Ўзбекистон Республикасида энг куп учраётган ахборот технологиялари соҳасидаги кибержиноятларни кўриб чиқамиз. Улар қуйидагилардан иборат:

---

<sup>1</sup> <https://www.businessinsider.in/buffett-this-is-the-number-one-problem-with-mankind/articleshow/58555300.cms>

<sup>2</sup> <https://finance.yahoo.com/news/warren-buffett-cyber-attacks-131445079.html>

<sup>3</sup> <https://www.reuters.com/article/us-cybersecurity-mcafee-csis-idUSKBN0EK0SV20140609>



Ушбу турдаги ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибер жиноятларнинг содир этилишининг бир канча сабаблари бўлиб, **биринчидан** фуқароларнинг ишни ижтимоий тармоқларда онлайн осонгина пул топиш, машаққатли ишлардан қошиши, **иккинчидан** фуқароларнинг етарли даражада саводли эмаслиги ва ўзи тушинмаган норасмий сайтларга ҳам шахсий маълумотлари ва банк пластик карталарини киритиши, **учинчидан** ижтимоий тармоқларда умуман олди сотди ишларида кўрмаган инсонлар билан савдо-сотик мшларини олиб бориши, **туртинчидан** “Клик” ходими деб таништирган ҳолатларда фуқароларнинг масалани тулиқ тушинмасдан кодни сўраганда айтишлари, **бешинчидан** телеграмдаги норасмий каналлардан олинган иловаларни шахсий телефон аппаратларига ўрнатишлари, зарарланган дастурлар

бўлиши мумкинлиги, **олтинчидан** интернет тармоғида тарқалаётган муҳтож ва кам таъминланган ойлаларга пул берилиши юзасидан жойлаштирилган ссилкаларга кириб, фуқароларнинг шахсий маълумотлари ва банк пластик карталарини киритиши ва шу каби бошқа сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу сабабларни бартараф этиш юзасидан бир канча тарғибот ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан, фуқароларнинг лоқайдлиги сабабли кибержиноятчиларнинг осонгина тузоғига тушиб қолмақдалар. Юқорида санаб ўтилган сабабларни бартараф этиш юзасидан чора – тадбирлар изчил давом этаверади. Фуқароларнинг кибержиноят қурбонига айланишига имкон яратаётган шарт – шароитлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, фуқароларнинг осон ва тез пул топиш учун ҳаракат қилиши, аҳолининг куччилик қисми этарли даражада иш билан таъминмаганлиги, этарли даражада саводли эмаслиги, кириб келаётган янги техника ёки оддийгина телефон аппаратида фойдаланишни тушинмасдан ундан фойдаланиши ва шу каби бошқа сабабларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу жиноятларга қарши курашда биринчи навбатда фуқароларда ундан фойдаланиш маъданиятини шакллантириш лозим. Кибержиноятчиликни олдини олиш учун давлатлар, ташкилотлар, ва соҳа мутахассисларининг амалий фаолиятларини ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эга. Кибержиноятчиликни олдини олишда қуйидаги чора-тадбирлар олиб борилмоқда:

1. Кибер хавфсизлик соҳаларида семинарлар ва тренинглар ўтказилади.
2. Шахсий маълумотларни қўллаб-қувватлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун технологиялардан фойдаланилмоқда .
3. Кибержиноятчиликнинг турлари ва уларнинг сабаблари илмий тадқиқотлар ёрдамида ўрганилмоқда .

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, агарда фуқароларга ушбу турдаги кибержиноят турлари ҳақида ўз вақтида ва изчил тарғибот – ташвиқот ишлари олиб бориладиган бўлса, бора бора ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятлар ҳам камайиши мумкин.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoiat#cite\\_note-books.google.com-16](https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoiat#cite_note-books.google.com-16)
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoiat>
3. <https://zenodo.org/record/8044925>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/bank-kartalaridan-foydalanish-bilan-bog-liq-firibgarlik-jinoiatlarining-kriminalistik-tavsifi>
5. <https://lex.uz/docs/-5841063>
6. Испқова Мухлиса Фахриддин қизи “Кибержиноятлар”мақоласи <https://cyberleninka.ru/article/n/kiber-jinoiatlar/viewer>
7. “Жиноятчилик турлари ва унинг олдини олиш масалалари”Ovliyakulov Husan Ruziboy o‘g‘liINNOVATION SCIENCE AND RESEARCHINTERNATIONALSCIENTIFICJOURNALVOLUME1ISSUE2JUNE2023SCIENCEJOURNAL.U
8. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021
9. 6. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
10. 7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
11. 8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
12. 9.Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Характлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.